

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ №14

Тузувчи: Аюпов Равшан Хамдамович

«Бутун олам театр,
биз эса унинг актёрларимиз»

Кадрлар бўлими ўзининг ишчилари тўғрисида берилганларни қуйидаги
жадвал бўйича олиб боради.

Фамилияси	Иси	Табел номери	Жинси	Тузилган йили	Бўлими	Маоши	Болалари сони
Омонов	Салим	855	Э	07.05.76	Бух	800000	2
Бекпўлатов	Анвар	555	Э	12.02.72	Кадр	940000	3
Олимов	Наби	908	Э	30.08.67	АПС	830000	2
Алиев	Йўлдош	833	Э	14.03.68	АПС	700600	2
Пиррова	Марям	244	А	23.02.64	АПС	840000	3
Қиличева	Адиба	768	А	03.01.71	ОНК	830000	1
Долимов	Валижон	558	Э	07.09.76	ТКБ	600900	0
Ермеков	Алим	136	Э	01.02.68	ТКБ	800000	0
Хурсанов	Бахром	381	Э	06.11.57	ТКБ	710000	1
Собиров	Карим	578	Э	12.04.59	Цех	800000	1
Кулибоев	Алижон	337	Э	18.10.59	Цех	940000	0
Хайдаров	Баходир	673	Э	23.11.61	Цех	830000	0
Мирсоатов	Ғани	402	Э	15.08.54	Фаррош	660000	1
Антонова	Анна	823	А	19.05.79	Фаррош	670000	0
Вершинин	Виктор	209	Э	18.07.68	ОНК	730000	0
Гришин	Олег	284	Э	17.04.63	ТКБ	890000	2
Давиденко	Клавдия	887	А	29.10.77	ТКБ	900000	1
Парфенов	Дмитрий	881	Э	13.05.73	ТКБ	810000	0
Сейфулина	Наиля	646	А	17.04.67	ОНК	740000	2
Собирова	Рахима	619	А	24.07.72	ОТД	700000	1

Берилганлардан фойдаланиб, форма ёрдамида жадвални тўлдириш ва сўнгра қуйидаги топшириқларни бажаринг:

- критерий киритинг: боласи биттадан ортиқ аёллар – натижани Лист 1 да сақланг.
- «Жинси» майдони бўйича камайишига қараб ва «Бўлим» майдонида ошишига қараб руйхатни сараланг– натижани Лист 2 да сақланг.
- саралаш бажаринг: бўлим бўйича, бўлим ичида эркаклар, аёллар ва нихоят фамилиялар бўйича – натижани Лист 3 да сақланг.
- с)даги саралашни болалар сони камайишига қараб, агар сони тенг бўлса, алфавит бўйича бажаринг – натижани Лист 4 да сақланг.
- хар бир бўлимда тузилган кунни нишонлаш графигини тузмокчисиз. Руйхатни бўлим бўйича, бўлим ичида эса тузилган ойи, ой ичида эса тузилган кунига қараб саралаш бажаринг – натижани Лист 5 да сақланг..
- «Бўлим» бўйича **ОНК** га тегишли фарзандсиз эркакларни экранга чиқаринг – натижани Лист 5 да сақланг..
- «Бўлим» бўйича **ТКБ** ва **ОНК** га тегишли ишчиларга оид ёзувларни чиқаринг – натижани Лист 6 да сақланг.
- «Бўлим» бўйича **АПС** га тегишли ишчилар руйхатида **700 000** дан **800 000** сўмгача маоши борларини чиқаринг – натижани Лист 7 да сақланг.
- «Бўлим» бўйича **АПС** ва **ТКБ** га тегишли эркаклар руйхатидан 60-йилларда

туғилганларни экранга чиқаринг – *натижани Лист 8 да сақланг.*

ј) Исми **"на"** билан тугайдиган ишчилар руйхатини чиқаринг – *натижани Лист 9 да сақланг.*

к) Фамилияси ичида **"но"** кўшимчаси бор ишчилар руйхатини чиқаринг – *натижани Лист 10 да сақланг.*

**"Гўзаллик — бирор ортиқча нарса
бўлмаган ҳолдир".**